

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЭШМИРЗАЕВ АЛИШЕР ПАРДАЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ЗОТ ПИЛЛАЛАРДАН FУ-2008 ЧУВИШ АВТОМАТИДА
ХОМ ИПАК ОЛИШНИНГ РАЦИОНАЛ РЕЖИМЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА АСОСЛАШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Эшмирзаев Алишер Пардаевич

Маҳаллий зот пиллалардан FY-2008 чувиш автоматида хом
ипак олишнинг рационал режимларини ишлаб чиқариш ва
асослаш..... 3

Эшмирзаев Алишер Пардаевич

Разработка и обоснование рациональных режимов получения
шелка-сырца на автомате FY-2008 из местных пород коконов.... 23

Eshmirzayev Alisher Pardaevich

Development and substantiation of rational modes of obtaining raw
silk on machines FY-2008 from local breeds of cocoons 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЭШМИРЗАЕВ АЛИШЕР ПАРДАЕВИЧ

МАҲАЛЛИЙ ЗОТ ПИЛЛАЛАРДАН FУ-2008 ЧУВИШ
АВТОМАТИДА ХОМ ИПАК ОЛИШНИНГ РАЦИОНАЛ
РЕЖИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АСОСЛАШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбе Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2018.2. PhD/T800 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ҳамда "Ziyouet" ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гуламов Азамат Эшанкулович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий ошнONENTлар:

Муқимов Миранбал Мирабобович
техника фанлари доктори, профессор

Раҳимов Алишер Юсуфжонович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:


Ўзбекистон табиий толлалар илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "21" "12" соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08; факс: (+99871) 253-36-17; e.mail: titli.info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).


Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (91-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферат 2020 йил "14" "12" кунни тарқатилди.
(2020 йил "11" "12" даги 91-рақамли реестр баённомаси).




Б. Онорбов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор


М. Абдукаримова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.


Ш. Хакимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда 30 дан ортиқ мамлакатларида тут ипак қурти парваришланиб, 840-860 минг тонна пилла хом-ашёси тайёрланиб, 60 дан ортиқ давлатларда қайта ишланиб ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатида юқори метрик номерга (ингичка) эга бўлган пилла ипига бўлган талаб йил сайин ошиб бормоқда. Шунингдек, ундан тайёрланган маҳсулотларини ишлаб чиқаришда янги технологияларни қўллаш орқали уларнинг сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ипак ишлаб чиқариш соҳасида қатор хорижий мамлакатларда, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Япония, Жанубий Кореяда қатор ютуқларга эришилган бўлиб, пилла чувиш корхоналарининг самарадорлигини ошириш, ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи технологияларни яратиш ва уларни такомиллаштириш, янги ассортиментларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда¹.

Жаҳонда ипакни ишлаб чиқариш техника ва технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишига кенг эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан пиллаларни қайта ишлашда хом ашёдан самарали фойдаланиш, ресурс тежамкор технологияларни яратиш ва уларни такомиллаштириш, сифатли хом ипак ҳамда улардан рақобатбардош маҳсулотлар олиш усулларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борада замонавий зот ва дурагай пиллалари ипларининг хусусиятларини ҳисобга олиб чувиш жараёнида зарур бўлган технологик параметрларини ишлаб чиқиш, технологик ускуналарни хом ипак сифатига таъсирини тадқиқ этиш муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда

Мамлакатимизда тут ипак қуртининг янги йирик пиллали зот ва дурагайларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали бир қути курт уруғидан олиндиган пилла ҳосилдорлигини 57,0 кг га етказилди, 2016 йилга келиб 26000 тоннадан зиёд тирик пилла етиштиришга эришилди. Республикаимизда ипак хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, ипакчилик саноатини модернизация қилиш орқали ички ва ташқи бозорда ипак маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ипак ишлаб чиқаришда энергия тежамкор технологияларни яратиш ва такомиллаштириш ўта муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, “ қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, шу жумладан, ипакчиликни янада ривожлантириш ва пилла хом-ашёси етиштиришни босқичма-босқич ошириб бориш...”² вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга оширишда пилла хомашёсини етиштиришдан бошлаб, хом ипак олиш ва уни қайта ишлашни интеграция

¹<http://www.thedailyrecords.com/2018-2019-2020-2021/world-famous-top-10-list/world/largest-silk-producing-countries-world-best-quality/12797/>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947 – сонли Фармони.

қилишни назарда тутувчи ривожланишнинг кластер моделини жорий этиш, маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб рақобатбардош ва сифатли хом ипак олишнинг самарали техника ва технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон, “Республикада ипакчилик саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 январдаги ПҚ-3472-сон қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда пиллага дастлабки ишлов бериш, чувиш ва сифатли хом ипак ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, ипак матолари ва бошқа маҳсулотларни юқори талабга эга бўлган янги ассортиментларни яратиш масалалари бир қатор олимлар ушбу йўналишда назарий ва амалий асосларини яратиш бўйича қатор чет эл олимлар: В.В.Линде, Е.Н.Михайлов, Г.Н.Кукин, А.Н.Соловьев, В.А.Усенко, G.Savvas, G.Kochy, G.Mentges, С.Minano, S.Gunze, S. Pan, H.Chen, J.Мо ва бошқалар илмий-тадқиқотлар олиб борганлар.

Бошланғич хомашё параметрлари ва пиллакашлик жараёнидаги технологик режимлари бўйича хом ипак сифатини башорат қилиш, нуқсонларни пилла қобиғи хусусиятларига силкитиш ва чувиш жараёнлари динамикасига таъсирини тадқиқи, янги структурали ипак ва аралаш матолар ишлаб чиқаришнинг илмий асосланган технологияларни такомиллаштириш масалалари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар мамлакатимизнинг бир қатор олимлар томонидан олиб борилган, жумладан: Х.А.Алимова, И.З.Бурнашев, Р.З.Бурнашев, У.Насруллаев, М.З.Абдукаримова, Ш.А.Қодиров, А.Э.Гуламов, Б.Насруллаев, И.А.Набиева, Н.М.Исламбекова, Ж.А.Ахмедов, К.Р.Авазов ва бошқалар.

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида ипакчилик корхоналарининг самарали ишлаши, замонавий дастгоҳнинг сифатли хом ипак ишлаб чиқариш жараёнига, ҳозирги кун талабига қараб маҳаллий зот дурагай пиллаларни танлашга, чувиш жараёнидаги технологик режимларни такомиллаштириб, рационал режимларини ишлаб чиқиш уларнинг сифатини талаб даражасига мослашига боғлиқлиги етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф4-14–“Пиллани чувишга тайёрлаш

ва хом ипак ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг назарий асосларини яратиш” ҳамда А-3-15–“Пилла чувиш дастгоҳини такомиллаштириш асосида ресурстежамкор технология яратиб хом ипак сифатини ошириш” мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: янги маҳаллий зот дурагай пиллаларини FҮ-2008 дастгоҳида чувишнинг рационал режимларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ипак қурти селекцияси ва сифатли пилла етиштириш ҳолатининг таҳлили;

турли зот ва дурагайлардан етиштирилган пиллаларнинг дастлабки ишлов бериш технологиясини таҳлил этиш ва режимларни ишлаб чиқиш;

Хитой ва маҳаллий дуругай қурт уруғларидан етиштирилган пиллаларни физик-механик ва технологик хусусиятларини тадқиқ этиш;

пиллаларни чувишга тайёрлаш ва чувиш учун режимларни ишлаб чиқиш ва асослаш;

FҮ-2008 дастгоҳида ишлаб чиқилган рационал режимда олинган хом ипакнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти мамлакатимизда яратилган янги зот ва дурагай маҳаллий шароитда етиштирилган Хитой ипак қурти пиллалари, замонавий FҮ-2008 пилла чувиш дастгоҳи, хом ипак олинган.

Тадқиқотнинг предмети хомашёни тайёрлаш ва юқори сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда пиллаларни пишириш жараёнидаги рационал режимларни ўрнатиш олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иплар механикаси, тажрибаларни режалаш, анализ ва математик статистика, компьютер дастурий таъминотидан, сифат кўрсаткичларни аниқлашда сандарт услубиятлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сувли муҳитда чўктирилган пиллаларнинг бир ўлчовли ҳаракатларининг назарий моделлари яратилди;

назарий моделлар ёрдамида қайишқоқликнинг боғлиқлик коэффициентининг пасайиши, ҳамда вақт қийматини ошиши билан пилланинг тебраниш частотасини ва ип узилишларини камайиши қонуниятлари аниқланди.

хом ипакни шаклланиши жараёнида чирмовни ҳосил қилувчи роликлар тизимини бир бирига боғлиқлик математик модели тузилди, унинг хом ипакни шаклланиши ва таркибидаги намликни камайишига таъсири исботланди.

назарий тадқиқотлар натижасида FҮ-2008 русумли пилла чувиш автоматида юқори сифатли хом ипак ишлаб чиқариш учун технологик режимлари илмий асосланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олиб борилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, хом ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида илмий тадқиқот ишлари комплекс равишда кўриб чиқилди;

тадқиқот ишидаги Олтин водий-2 дурагайининг етиштирилиши ва пиллаларнинг технологик, физик, механик хусусиятлари юқори эканлиги аниқланди;

Хитой уруғидан етиштирилган пиллаларга нисбатан Олтин водий-2 дурагайининг технологик кўрсаткичлари юқори эканлиги аниқланди;

ҒУ-2008 автомати учун йирик калибр пиллаларни чувишга тайёрлаш бўйича пиширишнинг рационал режими ишлаб чиқилди;

пилла чувиш автоматининг зоналаридаги ипнинг тарангликлари назарий ҳисоблаш асосида чизиқий зичликни назорат қилиш асосланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқотнинг ишончлилиги диссертацияда шакллантирилган илмий ҳолатлар, назарий ва экспериментал тадқиқотлар, тавсиялар, синов натижалари ва уларни таққослашнинг ижобий натижалари, шунингдек, баҳолаш мезонлари бўйича уларнинг етарлилиги, тадқиқотнинг ижобий натижаларини илм-фан соҳасидаги маълумотларга қиёсий таққослаш ва таҳлил билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши натижаларини илмий аҳамияти сифатли хом ипак ишлаб чиқаришда маҳаллий зот дурагай пиллаларни танлаш, замонавий дастгоҳнинг параметрларини таъсир этиш қонуниятларини асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат: маҳаллий зотлардан юқори сифатли хом ипак олиш усуллари яратилган, ипак маҳсулотлари ассортиментлари кенгайтирилган, замонавий дастгоҳнинг технологик параметрлари ўрганилиб ишлаб чиқаришга жорий этилган, корхона самарадорлигини оширишга эришилган. Маҳаллий дурагай “Олтин водий-2” пиллаларидан стандартнинг “3А” синфига мос хом ипак ишлаб чиқариш мумкинлиги исботланди. Бу ўз навбатида Хитойдан чет эл валютасида ипак қурти уруғини сотиб олиш амалиётини камайтиришга олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Янги маҳаллий дурагай пиллаларни чувиш ва юқори сифатли хом ипак олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

янги маҳаллий дурагай пиллаларни чувиш ва юқори сифатли хом ипак олиш технологияси «BUKHARA BBRILLIANT SILK» ҚК да ишлаб чиқаришга жорий қилинган (“Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг 2019 йил 1 августдаги 4-2/1606-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий дурагай пиллаларидан халқаро стандарт талабларининг “3А” синфига мос хом ипак олиш имконини яратилган;

Ишлаб чиқилган чувишнинг рационал режимлари «XORAZM IPAGI» корхонасида жорий этилган. («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2019 йил 1 августдаги 4-2/1606-сон маълумотномаси). Натижада хом ипакнинг нисбий

узилиш кучини 11,3 сN/tex га, хом ипакнинг чиқишини 9 % ошириш имконига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 12 та республика илмий – амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, 3 таси хорижий ва 9 таси республика журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объект ва предметлари шакллантирилган; республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган; тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар таҳлили, тадқиқот мақсади ва вазифалари”** деб номланган биринчи бобида ипак қурти уруғини селекция ва пилла етиштиришнинг ҳолатлари, сифатли пилла етиштиришда қурт боқиш шароитларини аҳамияти, пиллани қуритишдаги рационал усуллар, хом-ипак ишлаб чиқариш технологияларини тадқиқ этиш бўйича адабиётлар таҳлили келтирилган. Шунинг учун пилла чувиш технологиясини такомиллаштириш, технологиянинг илмий асосланган параметрларини ва хом ипак маҳсулотларининг янги ассортиментларини ишлаб чиқиш усулларини яратиш масалаларини чуқур тадқиқ этиш зарурияти туғилди.

Диссертациянинг **“Пилла чувиш автоматига хом ипак олишнинг рационал режимлари тадқиқот услуб ва воситалари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой, объект ва услублари баён этилган. Тадқиқот объекти сифатида янги Олтин водий-2 дурагай ипак қурти пилласи, замонавий FY-2008 пилла чувиш дастгоҳлари, чувиш жараёни ҳамда хом ипак олинган.

Тажриба қуйидаги кетма-кетликда ва мавжуд технологиялар асосида бажарилди: тадқиқот ишида ўрганилган зот ва дурагайларнинг техник тавсифи, сифатли ипак хомашёсини ишлаб чиқариш учун пилла чувиш корхоналарининг ингичка ва узунлиги бўйича бир текис ип, қобиқ зичлиги бир хил, узлуксиз чувиш узунлиги юқори (850-1050) ва калибри бир хил бўлган пиллаларга бўлган талабини қондириш керак. Тажриба учун Гўзал ва

Марварид зотилари танланган, бу зотларни чатиштириш натижасида Олтин водий-2 дурагайи олинган. Ушбу Олтин водий-2 дурагайи йирик пилла ўрайди ва куйидагича тавсифга эга:




Тухум жонланиши-96,5 %
 Қуртлар ҳаётчанлиги-89,4 %
 Пилла вазни-2,30 g
 Пиллалар ипакчанлиги-22,9 %
 Хом ипак чиқиши-55,0 %
 Толанинг умумий узунлиги -1480 m
 Толанинг метрик номери-3300 m/g,
 Пилла ҳосили (1 қутидан) - 70 kg

1-расм. Олтин водий-2 дурагайини техник тавсифи.

Етиштирилган пиллаларнинг қобиғи хусусиятлари ва технологик хусусиятларини тадқиқ қилиш учун статистик ишлов бериш асосида пилла чувишдаги технологик режимларни таҳлил қилиш услубиётларидан фойдаланилди.


Диссертациянинг “**Пилла қобиғининг технологик хусусиятлари**” деб номланган учинчи бобида ТТЕСИ “Ипак технологияси” кафедраси лабораториясида мавжуд “УзНИИШП” тизимидаги пиллаларни яқка тартибда чувиш дастгоҳида ўтказилган тажриба натижалари келтирилган. Ипак маҳсулотларининг чиқиши ва бошқа технологик кўрсаткичлар технологик харита талабларига мувофиқ синов-ўтказиш орқали аниқланди.

Маҳаллий Олтин водий-2 ва Хитой дурагай пиллаларнинг чизиқли ўлчамлари бўйича тақсимланиши 2-расмда кўрсатилган. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, маҳаллий Олтин водий-2 дурагайи ва Хитой дурагай пиллаларнинг узунлиги, ярим шарлар ва бел қисмининг кенглиги бўйича ўртача қийматлари бир-биридан катта фарқ қилади. Олтин водий-2 дурагайи 32 мм дан 37 мм гача бўлган пилла узунлиги кўпроқ миқдорни ташкил қилди. Хитой дурагайда эса 28 мм дан 33 мм гача пилла узунлиги кўпроқни ташкил қилди. Маҳаллий шароитда парваришланган Олтин водий-2 дурагай пиллаларнинг узунлиги, калибри бўйича бир хиллиги Хитой дурагай пиллаларниқига қараганда анча ошди. Маҳаллий “Олтин водий-2” дурагай пиллаларда ўрта калибрдаги (17-19 мм) пиллалар миқдори 93 % ни ташкил этди ва бу пиллаларни чувишга тайёрлашда калибрларга ажратиш технологик жараёнини қисқартирди (3-расм).



1-Олтин водий-2 дурагайи, 2-Хитой дурагайи

2-расм. Пиллаларнинг узунлиги бўйича ўзгариши



3-расм. Пиллаларнинг калибр бўйича улушлари

1-жадвал

Пилла дурагайларининг геометрик кўрсаткичлари

№	Пилла дурагайлари	Пилла узунлиги, mm D	Пилла қисмлари диаметрлари, мм			$d_p = \frac{d_{бош} + d_{манг}}{2}$	Калибр	Ингичкаланиш коэффициенти, $C_{и}$	Белчанлик коэффициенти, $C_б$	Пиллани шакли
			$d_{бош}$	$d_{таг}$	$d_{бел}$					
1	Олтин водий-2	32	18,1	19,1	19,1	19	йирик	1,7	0,9	овал
2	Хитой	29,9	15,7	14,9	16,2	15	майда	1,9	0,9	овал

Қобикнинг чувалувчанлиги маҳаллий пиллаларда 86% ни ташкил этган бўлса, Хитой пиллаларида 84,2% га тенг кўрсаткичга эга бўлди. Маълумки, хом ипак ишлаб чиқаришда пиллаларни чувишнинг асосий мақсади кимматбаҳо хом ашёдан рационал фойдаланишдир.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги катта ҳажмдаги тажриба материалларининг статистикаси тадқиқотларнинг натижаларини солиштирма баҳолаш мезонларининг мос келиши, тажриба натижаларининг назарий натижаларга юқори даражада мувофиқлиги билан изоҳланади.

2-жадвал

Пиллаларнинг технологик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Олтин водий-2	Хитой дурагайи
1	Пилла ипининг чиқиши, %	86	84,2
2	Пилла лоси чиқиши, %	9,2	11,3
3	Қазноқ чиқиши, %	4,3	4,0
4	Эрувчан моддалар, %	0,5	0,5
5	Қобикнинг ипакдорлиги, %	58,3	54,3
6	Пилла ипининг чизикли зичлиги, T	0,260	0,280
7	Ипнинг умумий узунлиги, м	1390	1143
8	Узлуксиз чувалувчан узунлиги, м	920	860
9	Ипак чиқиши, %	54,4	45,7

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили (2-жадвал) асосий кўрсаткичлар бўйича энг яхши натижа маҳаллий Олтин водий-2 дурагайли пиллаларида олинганлигини кўрсатди. Бунда Олтин водий-2 дурагайли пиллаларда Хитой дурагайига нисбатан ипакдорлик 7,3 % га, ипакнинг умумий узунлиги 21,6 % узлуксиз чувалувчан узунлик эса 7 % га юқори бўлиши билан бир қаторда


ипакнинг толали чиқиндиларини пайдо бўлиши 13,3 % га камлиги аниқланди.

Олтин водий-2 дурагай пилла ипининг чизиқли зичлиги Хитой дурагайларга нисбатан деярли 8 % га ингичка бўлиши уларни кўп сонли кўшилиш ҳисобига юқори сифатли хом ипак олишга ҳамда толали чиқинди пилла лосининг миқдорини камайтиришга имкон беради.

Икки дурагайда пилла ипининг ҳар 100 м даги физик-механик кўрсаткичларини аниқлаш учун пиллалар якка чувиш дастгоҳида чувиб кўрилди.

Ҳар иккала дурагай пилла ипларининг чизиқли зичлигини 50 м даги калавачалар вазни бўйича ўзгаришини характерловчи эгри чизиқлар пилла ипларининг чизиқли зичлигини чувиш бошида юқори бўлиб кейинчалик камайганини кўрсатди. Олтин водий-2 дурагайи пилла ипи чизиқли зичлиги 0,40 тексдан 0,15 тексгача, Хитой дурагайи 0,40 тексдан 0,09 тексгача ўзгаргани аниқланди.

Олинган натижалар 2-жадвалда ва 4-расмда келтирилган.



1-Олтин водий-2 дурагайи, 2-Хитой дурагайи


4-расм. Пилла ипининг чизиқли зичлигини узунлиги бўйича ўзгариши

Пилла ипларининг ўртача чизиқли зичликлари бир оз фарқ қилишини тадқиқот натижалари кўрсатди. Бу ипак қуртининг зоти ва дурагайига боғлиқ. Республикамизда етиштирилган дурагай ва зот пиллалардан ҳар хил калибрдаги ва чизиқли зичликдаги ипак чиқади.


Иккала дурагайда чизиқли зичликнинг бир хиллиги 25 дан то 400 м гача давом этиб кейин 400 дан 1000 метргача 0,25 тексдан 0,12 тексгача Хитой дурагайида пастлаб кетди. Бу чизиқли зичлик бўйича нотексликни келтириб чиқаради.

Сувли муҳитга чўктирилган пилла ташқи кучлар бўлмаганлиги сабабли Архимед кучи итарувчи оғирлик кучи таъсири остида мувозанат ҳолатида бўлади.

Пилла юзасидан чувилаётган қайишқоқ ипнинг чархга ўралиш жараёнини ўрганамиз. Бунда қовушқоқ муҳитга чўктирилган ва у ерда вертикал юқорига ҳаракатни юзага келтиради. (5-расм).



5-расм. Пиллада ташқи ва қайишқоқ кучлар ҳаракатининг схемаси



6-расм. Кўп бурчак юзаси бўйича A_0 ип ўралиши ҳаракатининг кинематик схемаси

Пилла юзасидан ип чиқиши узлуксиз деб ҳисобласак, пилла билан ип контакти қайишқоқ элемент орқали амалга оширилади. Элементнинг юқори учи $x = x_1(t)$ қонун бўйича ҳаракатланади ва $x_0 = x_0(t)$ қонун бўйича чарх билан ҳаракатланадиган деформацияланадиган ип кесмаси билан боғланган. Деформацияланувчи кесмани қайишқоқ элемент қаттиқлик коэффициенти $k_0 = EF/l$ (E - ипнинг Юнга модули, F , l - кўндаланг кесим юзаси ва ипнинг узунлиги) билан алмаштирамиз. Пилла ва ип юзасидан чиқувчи қаттиқлик боғлиқлик коэффициенти k_1 орқали белгилаймиз. Икки қайишқоқ элементларнинг уланган нуқталарининг мувозанат тенгламалари қуйидагича ёзилади.

$$[k_1(x_1(t) - h(t)) - k_0(x_0(t) - x_1(t))] = 0 \quad (1)$$

Бу ердан қайишқоқ элемент учини жойлашишини аниқлаймиз

$$x_1 = \frac{k_0}{k_0 + k_1} x_0(t) \quad (2)$$

Пилла билан ипнинг қайишқоқ боғлиқлик коэффициенти k_1 унинг сув муҳитида ҳўлланиш даражасига боғлиқ ва пилла юзасидан ипнинг чиқишини мустаҳкамлаш даражасини кўрсатади.

Ипнинг чархга ўралишида ипнинг максимал тезлиги ип кўпбурчакнинг қирралари билан тўқнашганда, кўпбурчакнинг томонлари билан тўқнашганда эса энг кам тезликка эришади деб қабул қиламиз. Бунда олти қиррали юзада тезликнинг тақсимланиши нотекис бўлади ва бу вақт давомида чиқаётган ипнинг тезлиги даврий равишда

ўзгаришига олиб келади. $t = 0$ вақт momentiда OA_0B_0 тенг томонли учбурчакнинг A_0 чўққисида $OA_0 = OB_0 = R_0$, $\angle O = 2\beta$ бўлганда, ипнинг юқори тезлигини аниқлаймиз (6-расм). t вақт momentiда учбурчак OA_0 бурчак ωt ($\omega = \pi n / 30$, n - чархнинг айланиш сони ай/мин) буйлаб бурилади. Бунда 6-расмдан вақт momenti $0 < t < \beta / \omega$ учун нуқта A_0 тезлигини топамиз.

$$v = v_1 = v_0 \cos \omega t \quad (3)$$

Вақт моменти учун $\beta/\omega < t < 3\beta/\omega$

$$v = v_2 = v_0 \cos(2\beta - \omega t) \quad \text{эришамиз} \quad (4)$$


Кейинчалик бу жараён такрорланади ва A_0 нуқтадаги ипнинг тезлиги куйидаги формулалар орқали аниқланади.

$$v = v_3 = v_0 \cos(4\beta - \omega t) \quad \text{бунда} \quad 3\beta/\omega < t < 4\beta/\omega, \quad v = v_4 = v_0 \cos(\omega t - 4\beta) \quad \text{бунда} \\ 4\beta/\omega < t < 5\beta/\omega, \quad (5)$$

$$v = v_{n-1} = v_0 \cos(n\beta - \omega t) \quad \text{бунда} \quad (n-1)\beta/\omega < t < n\beta/\omega, \quad v = v_n = v_0 \cos(n\beta - \omega t) \quad \text{бунда} \\ n\beta/\omega < t < (n+1)\beta/\omega, \quad n = 4, 5, 6, \dots, \quad (6)$$

Ўралаётган ипнинг узунлиги $x_0(t)$ тезлик ифодаларини интеграллаш орқали аниқланади. Ҳисобларни қисқартириш мақсадида кейинчалик ўралиш тезлигини доимий деб оламиз ва $v = v_c = \frac{[v_1(0) + v_1(\beta)]}{2}$ тенг деймиз. Бу ҳолда ип учининг жойлашиши $x_0 = v_c t$ формула орқали аниқланади.

Графикларни таҳлили шуни кўрсатдики, пилланинг сувли муҳитдан чиқишида боғлиқлик коэффицентининг ўзгарувчанлиги сабабли пилла ўзгарувчан амплитудали тебранма ҳаракат қилишни бошлайди. Пилланинг ҳаракатланиш қонунига қайишқоқлик боғлиқлиги коэффиценти пасайиш давомийлиги муҳим роль ўйнайди. Бу вақт қийматининг ошиши билан пилланинг тебраниш частотаси камаяди, пилланинг сувли муҳит томонга ҳаракатланиши бошланади.



7-расм. Пилла юқори марказига жойлашининг эллипслар марказлари яқинлаштириш қийматлари $z_0=0,005$ м, $R_1=0.0075$ м учун вақт ва давомийлиги $t_{np}=2$ сек билан боғлиқлик графиги

Олинган дуругайлар пилласи сараланиб, калибрланди. Пиллалар партиясининг 1/5 қисмини саралашдан сўнг, керакли калибрли пиллалардан 100-110 кг вазли намуна танлаб олинди. Танланган намуна яхшилаб аралаштирилиб, буғлаш режимини ўрнатиш учун 10 кг ва пилла ипининг узлуксиз чувалувчан узунлигини аниқлаш учун 1 кг пилла олинди. Пиллаларнинг қолган қисми (90-100 кг) пиллаларни учини ахтариш ва силкитиш чувишининг муқобил тезлигини, хом ипакнинг ўртача зичлигини, хом ипак ишлаб чиқариш нормаси ва вариация коэффицентини ва унинг чиқишини тўғри ўрнатиш учун ишлатилди.

Пиллалар пишишининг рационал режимини ўрнатиш ва назорат қилишда ҳар бир ишлаб чиқариш пилла партиясини пишириш режими регламентланган режим асосида лаборатория учун мўлжалланган пилла пишириш FY-522 машинасидан фойдаланилди.

**Олтин водий-2 дурагайини FУ 522 пилла пишириш машинасида
рационал режими**

№	Ўлчов бирлиги ва параметрлари	Режим	
		Базавий	Рационал
1	Сув билан намлаш Ванна, °С	55	45
2	Биринчи вакум бўлими, °С Вакум ҳолати	82 0,4-0,5	82 0,4-0,5
3	Буғнинг босими, atm	0,1-0,4	0,1-0,4
4	Буғлаш бўлими Ванна, °С Буғнинг босими, мм сув турбасида	99 5-10	98 5-10
5	Шимдириш бўлими, °С	75	75
6	Сув тўлдириш бўлими Ванна, °С	94-75	94-74
7	Совутиш бўлими, °С Асосий магистралда буғнинг босими, atm Бир марта жараён айланиб чиқиш вақти, мин	48 2,5-3,0 12	45 2,5-3,0 11

Олинган дурагайлар бўйича пиллаларни буғланганлик даражасини баҳолашда буғлашдан кейин пилла порциялари вазнини ошириш, пиллаларнинг охиригача чувилиши, учли пиллаларнинг чиқиши, пишириш жараёнида пиллалар қобиғи моддаларининг эрувчанлиги аниқланди.

Диссертациянинг “**Янги FУ-2008 русумли автоматда пилла чувиш режимларини ишлаб чиқиш**” деб номланган тўртинчи бобида пилла чувишдан мақсад-берилган чизиқли зичликдаги қалинлиги бўйича бир текис бўлган мустаҳкам, эластик, тоза, боғланган узлуксиз узунликдаги техник комплекс ипларни олишга бағишланган. Комплекс ипнинг сифати пилла ипининг бир текислигига боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунда селекционерлар томонидан бунга эришилди. Пиллаларни чувишни ошириш пиллаларни пишириш ҳароратига боғлиқ бўлиб, уларни рационал вариантини топиш узилишлар сонини камайтиришга асосий омил бўлади. Пиллани буғлаш ва чувиш жараёнлари асосан сувли муҳитда амалга оширилиб, олинаётган хом ипакнинг меъёрланган намликка келтириш учун чирмовлаш усулларида фойдаланилади. Бундан ташқари чирмовлаш натижасида иплар жипслашади ва ипдаги чалкашликлар олдиндан бартараф қилинади.

Чирмовлашни ҳосил қилишда роликлар иштироки аҳамиятли бўлиб, улардан ўтказилиб, 2 та учи мавжуд томонлари тенг бўлмаган трапеция вужудга келади. Шунда чирмовлаш танаси ва чирмовдан чиқиш бурчаги ҳосил бўлади. Бу кўрсаткичларни рационал қилиш орқали пиллаларни чувиш жараёнида сифатли намлиги камайтирилган, боғланувчанлиги юқори хом ипак олишга замин яратилди.

Маълумки, жавоб функциясининг аналитик ифодаси номаълум бўлганда, одатда жавоб функциясининг кўпхад билан регрессия тенгламаси кўринишида ифодалаш мумкин.

$$y = b_0 + \sum_{i=1}^k b_i x_i + \sum_{i=1}^k b_{ii} x_i^2 + \sum_{i<j}^k b_{ij} x_i x_j + \sum_{i<j<l}^k b_{ijl} x_i x_j x_l \quad (7)$$

Фракциялар учун регрессия тенгламасини тузамиз. Дастлаб иккита сатхли ($k = 2$), уч омилли тажриба режасини тузамиз, бунда биринчи омил X_1 хом ипакни чирмовлаш узунлиги ҳисобланади, иккинчиси X_2 -роликлар орасидаги масофа, учинчиси X_3 пиллани пишириш ҳарорати бўлиб иккита параллел тажрибалардир.

4-жадвал

Тажриба ўтказиш режаси p=1 (сурат) биринчи параллел тажриба p=2 иккинчи параллел тажриба

Омиллар	x_{\max}	x_{\min}	Δ	x_0
Хом ипакни чирмовлаш узунлиги, мм	10	6	8	2
Роликлар орасидаги масофа, мм	$\frac{27}{26}$	$\frac{22}{21}$	$\frac{24,5}{23,5}$	$\frac{2,5}{2,5}$
Пиллани пишириш ҳарорати, °C	$\frac{100}{90}$	$\frac{80}{70}$	$\frac{90}{80}$	$\frac{10}{10}$

Регрессия тенгламасини аниқлаш учун жавоблар бўйича ҳар бир функция учун иккита сатхли ($k = 2$) уч омилли тажрибанинг матричасини тузамиз. \bar{y}_{ui} , ва \bar{z}_{ui} орқали m параллел тажрибаларда олинган, ҳар бири n тажрибада аниқланган ипнинг нисбий пишиқлиги ва ипнинг бурамлар сони бўйича вариация коэффициенти учун тегишли жавоблар қийматларини белгилаймиз. Шундай қилиб, $\bar{y}_{ui} = \frac{1}{n} \sum_{l=1}^n y_{ul}$, ($l=1.2...m$) иккита тажрибани ўтказишда кўриб чиқилди. Ҳар бир вариантда тўпламлар сони $N_2 = N = 8$ да $m = 2$ деб таъминлаймиз ва уларнинг қийматларини 5-жадвалга киритамиз.

5-жадвал

Тажриба	Омиллар оралиғи			Оғиш					
	X_1	X_2	X_3	\bar{y}_{i1}	\bar{y}_{i2}	\bar{y}_u	S_u^2	\hat{y}_u	$R_0(\%)$
1	-	-	-	33.15	32.65	32.9	0.125	33.31	1.25
2	+	-	-	41.32	41.05	41.18	0.036	41.05	0.325
3	-	+	-	36.51	35.96	36.23	0.151	35.82	1.134
4	+	+	-	43.15	43.71	43.43	0.157	43.56	0.308
5	-	-	+	40,57	41.14	40.85	0.162	40.96	0.272
6	+	-	+	46.54	45.94	46.24	0.180	46.41	0.395
7	-	+	+	38.410	38.72	38.56	0.048	38.45	0.288
8	+	+	+	44.16	43,96	44.06	0.020	43.89	0.377
							0.88		

Олинган ҳар бир жавоб учун тажриба натижаларини статистик қайта ишлашни қуйидаги тартибда ўтказамиз. Регрессия тенгламасида юқоридаги тенгсизликка кўра b_2 , b_{12} ва b_{123} коэффицентлар аҳамиятсиз ҳисобланади, бу коэффицентларсиз регрессия тенгламасини ёзамиз.


$$y: 40,43375 + 3,295 x_1 + 1,199625 x_3 - 0,575 x_1 x_3 - 1,25625 x_2 x_3 \quad (8)$$

Моделни регрессия тенгламасида аҳамиятсиз коэффицентлар

иштирок этмаганда адвекватлигини баҳолаймиз.

Демак, статистик ишлов натижалари ёрдамида танланган технологик режимни ҳосил этиш учун биринчидан шундай режимни таъминлашда омилларнинг ўзгариш интерваллари аниқланади ва иккинчидан уларнинг иккитаси берилган бўлса, мос равишда аниқланган интерваллардан қолган омилнинг қийматини аниқлаш имкони яратилади.


$$X_2 = -1 \quad (x_2 = 22)$$



$$1 - y_0 = 36, \quad 2 - y_0 = 39, \quad 3 - y_0 = 41, \quad 4 - y_0 = 44, \quad 5 - y_0 = 46, \quad 6 - y_0 = 48$$

8-Расм. Ипнинг nisбий пишиқлигининг ҳар хил қийматларда роликлар орасидаги масофа 2 омил $x_2=1$ бўлганда 1 чи ва 3 чи омиллар орасидаги боғланиш графиги


$$X_2 = 0 \quad (x_2 = 24,5)$$



$$1 - y_0 = 37,3, \quad 2 - y_0 = 39, \quad 3 - y_0 = 41, \quad 4 - y_0 = 44, \quad 5 - y_0 = 46, \quad 6 - y_0 = 48$$

9-Расм. Ипнинг nisбий пишиқлигининг ҳар хил қийматларда роликлар орасидаги масофа 2 омил $x_2=0$ бўлганда 1 чи ва 3 чи омиллар орасидаги боғланиш графиги

$$X_2 = 0.5 \quad (x_2 = 25,75)$$




$$1 - y_0 = 37,9, \quad 2 - y_0 = 39, \quad 3 - y_0 = 41, \quad 4 - y_0 = 44, \quad 5 - y_0 = 46, \quad 6 - y_0 = 47,4$$

10-Расм. Ипнинг nisбий пишиқлигининг ҳар хил қийматларда роликлар орасидаги масофа 2 омил $x_2=0.5$ бўлганда 1 чи ва 3 чи омиллар орасидаги боғланиш графиги

Регрессия тенгламасини аниқлаш учун жавоблар бўйича ҳар бир функция учун иккита сатҳли ($k=2$) уч омилли тажрибанинг матрицаси тузилди. \bar{y}_{ui} , ва \bar{z}_{ui} орқали m параллел тажрибаларда олинган, ҳар бири n тажрибада аниқланган ипнинг nisбий пишиқлиги ва ипнинг бурамлар сони бўйича вариация коэффиценти учун тегишли жавоблар қийматлари белгиланди.

Уларнинг таҳлилидан роликлар орасидаги масофа ошган сари чиқувчи параметрнинг берилган қийматларини олиш учун қолган икки омилларнинг интерваллари камайиши кузатилди. Статистик ишлов натижалари ёрдамида танланган технологик режимни ҳосил этиш учун биринчидан шундай режимни таъминлашда омилларнинг ўзгариш интерваллари аниқланди ва иккинчидан уларнинг иккитаси берилган бўлса, мос равишда аниқланган интерваллардан қолган омилнинг қийматини аниқлаш имкони яратилди.

Хом ипак ипи пилла чувиш жараёнида маълум миқдорда ички кучланишни бошдан кечиради. Бунга икки турдаги кучланиш: ипнинг чувиш даврдаги тарангликлари ва йиғилгандан кейин ипнинг қуриши ҳисобига таранглиниши сабаб бўлади. Хусусан, пилла қобиғидан ипни ажралишидаги, илгич кўзидан ўтаётгандаги, ип йўналтирувчи роликлар, чирмовлаш, назорат аппарати, таҳлагичдаги тарангликларни ип енгиб ўтиши керак бўлиб,



калавани қуриши натижасида ипнинг киришиши ҳисобига ҳам кучланиш юзага келади. Бунинг натижасида қайта ишлаш даврида ҳам, калавага йиғилганда ҳам ип деформацияланади. Ип шаклланиши натижасида тортилаётган ип киришишга ҳаракат қилади, лекин маълум габарит ўлчамга эга бўлган чарх бунга йўл қўймайди ва ҳар бир қатламлари қўшимча кучланади. Агарда ипнинг шаклланишидан то чархга йиғилгунгача бўлган тарангликни инобатга олсак, у

11-расм. Ипни чирмаштириш ва назорат шайбаси зоналари


даражадаги юқори чўзилиш деформациясини чақирмайди. Лекин чархга йиғилаётган ип қанча тарангликда ўралса, калава қуригандан кейин эса бундан кўп таранглашади. Ипнинг ўтиш йўлларидаги тарангликларни назарий ҳисоблаш сифатли хом ипак ишлаб чиқаришда амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. 6-жадвалда нисбат T_1/T_0 ни α_4 га нисбатан қийматларининг ўзгаришлари келтирилган.

6-жадвал

α га нисбатан T_1/T_0 нисбатан қийматлари ўзгариши

α (град)	10	20	30	40	50	60	70	80	90
T_1/T_0	1.07	0.81	0.66	0.57	0.52	0.49	0.49	0.5	0.56
T_2/T_0	2.12	1.68	1.45	1.32	1.27	1.26	1.32	1.44	1.7
T_3/T_0	1.73	1.29	1.06	0.92	0.83	0.79	0.78	0.81	0.9
T_4/T_0	4.13	3.12	2.51	2.1	1.77	1.52	1.3	1.1	0.9
T_k/T_0	4.83	3.65	2.94	2.44	2.07	1.78	1.53	1.29	1.06

12- расмда тарангликлар T_i (T_0 нисбатан) бурчак $\alpha = \alpha_4$ га нисбатан бурчак α_3 нинг ҳар хил қийматларидаги графиклари келтирилган. Ҳисобларда қуйидаги параметрлар қабул қилинган $f = 0.3$, $\alpha_1 = 45^\circ$, $\alpha_5 = 15^\circ$



12-Расм. Тарангликлар T_i/T_0 ларнинг $\alpha = \alpha_4$ нисбатан α_3 нинг ҳар хил қийматларида ўзгариш графиклари: 1- $\alpha_3 = 18^\circ$ 2- $\alpha_3 = 20^\circ$ 3- $\alpha_3 = 23^\circ$
4- $\alpha_3 = 25^\circ$

Технологик жараёнларда маркази O_3 нуқтада жойлашган ролик ҳаракатда бўлганлиги сабабли α_4 бурчак ўзгариб туради, шунингдек OC_2 ўраи ҳам ўз узунлиги ўзгариши сабабли α_3 бурчак ипни узатиши жараёнида ўзгарувчи бўлади. Қолган валик кўзгалмас бўлганлиги сабабли $\alpha_2, \alpha_1, \alpha_5$ бурчакларнинг ўзгариши нисбатан кам бўлади. Шунинг учун ҳар бир участкада иплар таранглиги графиклари α_4 ва α_3 ларнинг ўзгаришига қараб келтирилган. Графиклар таҳлил этишидан мақсад, ҳаракатдаги роликнинг бошланғич ҳолатида ҳар бир участкадаги ипларнинг бошланғич тарангликларини аниқлаш лозим бўлади. Чунки уларда ҳосил бўладиган тарангликларнинг максимал қийматини аниқлашда статик ҳолдаги тарангликлар маълум бўлиши керак.

Сифатли ипак ишлаб чиқариш учун аввало унга ишлатиладиган хом ашёни тўғри танлаш лозим. Бунда пилланинг технологик ва физик-механик хусусияти муҳим аҳамият касб этади. Пилла қобиғининг қалинлиги ва қуввати, умумий ва узлуксиз чувалувчан узунлиги, пилла ипининг чизиқли зичлиги, ипакдорлиги қобиқнинг қаттиқлиги билан узвий боғлиқдир. Юқоридаги таклиф этилаётган саралаш усулини қўллаб, пиллаларни чувишга дастлабки тайёрлаб олинди. Сўнг буғлаш ва якка учини топишдаги режимлар ўрнатилиб, автомат пилла чувиш дастгоҳида хом ипак ишлаб чиқарилди. Чувиш жараёнлари ўрнатилган технологик харита бўйича олиб борилди.

Пилла дурагайларида олинган хом ипакнинг сифат кўрсаткичлари

№	Ипак сифатининг асосий кўрсаткичлари номи	Олтин водий-2 дурагайи			Хитой дурагайи		
		О'zDST 3313:2018	Ҳақиқий маълумотлар	Натижалар	О'zDST 3313:2018	Ҳақиқий маълумотлар	Натижалар
1	Чизиқли зичлик бўйича оғиши, кўп эмас.	0,18	0,17	3А	0,18	0,16	2А
2	Мос келмаслик 1, кўп эмас.	170	160	3А	210	210	А
3	Мос келмаслик 2, кўп эмас	26	25	2А	37	30	А
4	Йирик нуқсонлари бўйича тозалиги %, кам эмас.	93	93,4	2А	94	95	4А
5	Майда нуқсонлари бўйича тозалиги %, кам эмас.	90	91	2А	93	94,3	2А
6	Энг ёмон тозалиги, % кам эмас.	83	85	2А	90	90	4А
7	Чизиқли зичлиги бўйича максимал оғиши, кўп эмас.	0,40	0,45	3А	0,60	0,52	А
8	Мос келмаслик 3, кўп эмас	0	0	4А	0	0	4А
9	Қайта ўраш қобиляти, узилишлар сони, кўп эмас	4	3	4А	4	2	4А
10	Нисбий узилиш кучи, кам эмас	30	41,3	4А	30	32,4	4А
11	Узилишгача чўзилиши, кам эмас.	18	18,3	2А	18	18,7	А
12	Боғланувчанлик, коретка юриши, сони кам эмас.	60	71	4А	0,60	0,52	4А

Олинган хом ипакнинг сифат кўрсаткичи О'zDST 3313:2018 бўйича давлат стандартига мувофиқ баҳоланди. Олтин водий-2 дурагайининг номинал чизиқли зичлиги 2,33 (Nm 429), намлиги 8,16% ҳақиқий чизиқли зичлиги 2,48 текс. Хитой дурагайининг номинал чизиқли зичлиги 2,33 (Nm 429), намлиги 8,21% ҳақиқий чизиқли зичлиги 2,48 тексни ташкил қилди.

Янги Олтин водий-2 пилла дурагайини технологик ва физик-механик хусусиятлари ўрганиш асосида хом ипак чиқиши Хитой уруғига нисбатан 9 % га ортгани, пилланинг солиштира сарфи, 0,2 кг га камайгани, узлуксиз чувалувчан узунлиги 30 метрга ортганлиги аниқланди.

Янги дурагай Олтин водий-2 пилласидан ишлаб чиқарилган хом ипакнинг давлат стандартига нисбатан сифат кўрсаткичлари аниқлаш натижасида чизиқли зичлиги 3А навига, мос келмаслиги 3А навига йирик, майда нуқсонлари ва энг ёмон тозалиги бўйича 2А навига, қайта ўраш қобиляти 4А навига, нисбий узилиш кучи 4А навига, узулишгача чўзилиши эса 2А навга, боғланувчанлик 4А навига мансублиги ўрганилди. Сифат кўрсаткичларини аниқлаш орқали Олтин водий-2 дурагайи 3А синфга ва Хитой дурагайи А синфга тенглиги аниқланди.

Илмий ишни олиб боришда «Олтин водий-2» дурагай пилла навини қайта ишлашнинг такомиллаштирилган технологиясини амалиётга тадбиқ

етишдан олинадиган иқтисодий самарадорлик 100632.43 минг сўмни ташкил қилади.

ХУЛОСА

1. Янги дурагай “Олтин водий-2” деярли кўп вилоятларда районлаштирилганлигини инобатга олиб, ундан етиштирилган пилла қобикларининг технологик кўрсаткичларини тадқиқот этиш зарурлиги аниқланди.
2. Хитойдан ҳар йили қурт уруғлари олиб келиниб маҳаллий шароитларда пилла етиштирилади. Лекин дурагайлар қандай зотлардан пайдо бўлган, ҳар йили ҳам бир хил дурагайлар парваришланадими маълумот аниқ эмас. Маҳаллий шароитда етиштирилган Хитой дурагай пиллаларининг қобиғини ҳам, солиштириш учун, технологик кўрсаткичларини тадқиқот объекти сифатида қабул қилинди.
3. Тадқиқотлар натижасида “Олтин водий-2” ва маҳаллий шароитда етиштирилган Хитой дурагай пиллаларининг умумий узунлиги, ярим шарлар кенглиги ва бел қисмлари кенглиги бўйича ўртача қийматлари бир-бирларидан катта фарқ қилиниши аниқланди.
4. Олинган дурагайлар бўйича пиллаларни буғланганлик даражасини баҳолашда буғлашдан кейин пилла порциялари вазнини ошириш калибрлар бўйича 16 мм – $8,1 \pm 0,1$ марта, 17 мм – $8,5 \pm 0,1$ марта, 18 мм – $9,0 \pm 0,1$ марта, 19 мм – $9,3 \pm 0,1$ марта, 20 мм – $9,9 \pm 0,1$ марта, 21мм – $10,3 \pm 0,1$ мартани ташкил қилди.
5. “Олтин водий-2” пиллалар қобиғларининг технологик кўрсаткичлари Хитой дурагайига нисбатан ипакдорлиги 7,3% га, пилла ипининг умумий узунлиги 21,6%, узлуксиз узунлиги 7 % га юқори, толали чиқиндиларни чиқиши эса 13,3 % га кам бўлиши аниқланди.
6. Сувли муҳитга чўктирилган пиллаларнинг бир ўлчовли ҳаракатланиши моделлаштириш асосида, бу қонуниятга қайишқоқлик боғлиқлиги коэффицентининг пасайиши давомийлигини муҳим роль ўйнаши ва вақт қийматининг ошиши билан пиллани тебраниш частотасини камайиши ва пиллани сувли муҳит томонга ҳаракатланиши назарий ва амалий тадқиқотлар асосида исботланди. Тебранишнинг камайиши эса ўз навбатида пилла ипларини узилишини камайтиради.
7. Амалий тадқиқотлар асосида пиллани чувишга тайёрлашда FУ 522 пилла пишириш машинасининг рационал технологик режимлари аниқланди.
8. Пиллаларнинг охиригача чувилиши 75 % ни пиллаларнинг якка учларини топилиши силкитиш ва якка учини топиш машиналарида 70 % дан кам бўлмаган ва пишириш жараёнида пилла қобиғида моддаларнинг эрувчанлиги 3,3 % ни ташкил қилди.
9. Пилла ипларидан хом ипакни шаклланиши ва намликни камайтирилиши чирмовни ва уни ҳосил қилувчи роликлар тизимига боғлиқлигини математик модел сифатида ифодаланиб омиллар сифатида хом ипакни чирмовлаш узунлиги, роликлар орасидаги масофа, пиллани пишириш ҳарорати бўйича регрессия тенгламалари тузилиб тажриба натижаларга статистик ишлов

берилиб сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдаги технологик кўрсаткичлар асосланди.

10. Назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида янги FУ -2008 русумли пилла чувиш автоматлари қўлланилган холда сифатли хом ипак ишлаб чиқаришнинг технологик кетма-кетлик жараёнлари асосланиб ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

11. “Олтин водий-2” дурагайдан халқаро стандартнинг “3А” талабларига жавоб бера оладиган хом ипак чувишнинг муқобил тезликлари асосланди.

12. Олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасидан маълум бўлишича “Олтин водий-2” дурагай пилларининг қобикларини технологик кўрсаткичлари, маҳаллий шароитда Хитой ипак курти дурагайларидан етиштирилган пиллаларга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлишлиги келгусида чет элдан валютага Хитойдан ипак курти уруғини сотиб олишни камайтириш имконини яратади.

13. Янги дурагай навли пиллани қайта ишлаш технологияси натижасида олинадиган умумий йиллик иқтисодий самарадорлик 100632.43 минг сўмни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПОПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ЭШМИРЗАЕВ АЛИШЕР ПАРДАЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА И ОБОСНОВАНИЕ РАЦИОНАЛЬНЫХ
РЕЖИМОВ ПОЛУЧЕНИЯ ШЕЛКА-СЫРЦА НА АВТОМАТЕ FY-2008
ИЗ МЕСТНЫХ ПОРОД КОКОНОВ**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/T800.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyouet» (www.ziyouet.uz).

Научный руководитель: Гуламов Азамат Эшанкулович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Мукимов Мирабзал Мирабобович
доктор технических наук, профессор

Рахимов Алишер Юсуфжонович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Узбекский научно-исследовательский институт натуральных волокон

Защита диссертации состоится «21.12» 2020 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахан-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория. Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titli_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована под № 91). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахан-5. Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «14.12» 2020 года.
(Регистр протокола рассылки № 91 от «11» 12 2020 года).



Б.Онорбоев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

М. Абдукаримова
Учредитель секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н.

Ш. Хакимов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день тутовый шелкопряд выращивают более чем в 30 странах мира, производится 840-860 тысяч тонн живых коконов, перерабатываются коконы и вырабатываются шелковые изделия более чем в 60 странах. В производстве и переработке шелковых продуктов спрос на коконную нить высоких номеров (тонкую) растет с каждым годом. Также большое внимание уделяется повышению качества изделий из него за счет использования новых технологий. В области производства шелка определенные достижения были получены в ряде зарубежных странах, таких, как Китай, Индия, Бразилия, Япония и Южная Корея. Особое внимание уделяется повышению эффективности кокономотальных предприятий, созданию технологий, обеспечивающих получение конкурентоспособных изделий, новых ассортиментов и усовершенствованию их¹.

В мире уделяется большое внимание исследованиям, направленным на совершенствование техники и технологии производства шелка. В связи с этим особое внимание уделяется эффективному использованию сырья при переработке коконов, созданию и совершенствованию ресурсосберегающих технологий, разработке методов получения качественного шелка-сырца и конкурентоспособной продукции. В связи с этим одним из важных направлений является разработка технологических параметров, необходимых в процессе размотки, с учетом характеристик коконных нитей современных пород и гибридов, исследование влияния технологических оборудований на качество шелка-сырца.

Благодаря созданию и внедрению в производство новых крупных пород и гибридов тутового шелкопряда в республике урожайность коконов с одной коробки грены достиг до 57,0 кг, а к 2016 году было выращено более 26000 тонн живых коконов. На основе глубокой переработки шелкового сырья в республике особое внимание уделяется быстрому развитию производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью, за счет модернизации шелковой отрасли, обеспечивается конкурентоспособность шелковых изделий на внутреннем и внешнем рынках. Большое значение имеет создание и совершенствование энергосберегающих технологий в производстве шелка. В Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в частности, «...модернизация сельского хозяйства, включая дальнейшее развитие шелководства и постепенное увеличение производства коконов ...»². Одним из важных вопросов в реализации данной задачи является внедрение кластерной модели развития,

¹ <http://www.thedailyrecords.com/2018-2019-2020-2021/world-famous-top-10-list/world/largest-silk-producing-countries-world-best-quality/12797>

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года “действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”.

начиная от выращивания живых коконов, до получения шелка-сырца и интеграция ее переработки, создания и внедрения эффективных методов и технологий для производства конкурентоспособного и высококачественного шелка-сырца с использованием местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях Президента Республики Узбекистан, «О мерах по организации деятельности Ассоциации Узбекипаксаноат» от 29 марта 2017 года ПП №2856 и «О мерах по дальнейшему развитию шелковой промышленности в республике» от 12 января 2018 года ПП №3472, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в Республике.

Настоящая диссертационная работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в Республике. II- «Энергетика, энерго и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В настоящее время основные вопросы теории и практики первичной обработки коконов, совершенствования технологии размотки и получения качественного шелка-сырца, создания новых ассортиментов шелковых тканей и других изделий, имеющих высокую потребность нашли своё решение в исследованиях ряда зарубежных ученых таких, как В.В.Линде, Е.Н.Михайлов, Г.Н.Кукин, А.Н.Соловьев, В.А.Усенко, G.Savvas, G.Kochy, G.Mentges, C.Minano, S.Gunze, S. Pan, H.Chen, J.Мо и другие.

Научно-обоснованные исследования по прогнозированию качества шелка-сырца по первичным параметрам сырья и технологическим режимам процессов кокономотания, исследования влияния дефектов на свойства оболочки, динамика процессов растряски и размотки, создания и усовершенствования шелковых и смесовых тканей с новой структурой проведены учеными Х.А.Алимовой, И.З.Бурнашевым, Р.З.Бурнашевым, У. Насруллаевым, М.З.Абдукаримовой, Ш.А.Кодировым, А.Э.Гуламовым, Б.Насруллаевым, И.А.Набиевой, Н.М.Исламбековой, Ж.А.Ахмедовым, К.Р.Авазовым и другими.

